



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 7 » iyul

№ 279

Toshkent sh.

“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 12 июндаги ПФ–93-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатда камбағалликка қарши курашиш жараёнини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда ушбу жараёнга тадбиркорлик субъектларини манфаатли ҳамкорлик асосида жалб қилиш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 12 июндаги ПФ–93-сон Фармонига мувофиқ **қуйидагиларни назарда тутувчи “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурини** (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш белгиланганлиги **маълумот учун қабул қилинсин:**

Дастурда янги иш ўринларини яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектларининг **ҳамкорлик шартномалари** асосида ихтиёрий равишда иштирок этиши;

ҳамкорлик шартномалари лойиҳалари Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан **ҳукукий экспертизадан ўтказилиши;**

Савдо-саноат палатаси ҳамкорлик шартномаларини тузган тадбиркорлик субъектларига **Дастурда иштирок этаётганлигини тасдиқловчи сертификат** бериши ва уларга ҳамкорлик шартномалари тўлиқ бажарилиши юзасидан ҳар томонлама қўмаклашиши;

Дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларига табақалашган миқдорларда **имтиёз ва преференциялар** бериш;

2023–2024 йилларда Дастурни амалга ошириш учун жами **1 миллиард АҚШ доллари** миқдорида кредит линиясини очиш.

2. **“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурини** амалга ошириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

3. Республика комиссияси (Ж. Қўчқоров):

Дастурни амалга ошириш доирасида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳудудларга бириктирилган масъуллар фаолияти мувофиқлаштириб борилишини;

бир ой муддатда Дастур билан қамраб олинadиган тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар кесимидаги сони ва улар томонидан яратилadиган янги иш ўринлари параметрлари тасдиқланишини;

ҳар ой якуни билан Дастур доирасида амалга ошириладиган ишлар танқидий муҳокама қилиб борилишини;

Дастур иштирокчилари фаолиятида юзага келadиган муаммолар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин.

4. Қуйидагилар:

“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Амалий мономарказлар фаолиятини ташкил этиш, уларни қуриш ва жиҳозлаш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Дастурни амалга ошириш бўйича барча жараёнларни рақамлаштириш имкониятларига эга “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур қарорга 5-иловага мувофиқ вазирлик ва идоралар икки ҳафта муддатда маълумотлар базаларининг “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

6. Белгилансинки:

тадбиркорлик субъектлари Дастурда иштирок этиш учун “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими, “Онлайн маҳалла” электрон платформаси ёки солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинети орқали мурожаат қилиши мумкин;

Дастурда иштирок этиши мумкин бўлган тадбиркорлик субъектлари уларнинг мурожаатлари бўйича “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизимида автоматлаштирилган ҳолда сараланади;

тадбиркорлик субъекти саралаб олингандан сўнг икки кун муддатда ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектининг мурожаатида кўрсатилган маълумотлар ва таклифлар асосида белгиланган намуна бўйича “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизимида шартнома лойиҳаси шакллантирилади ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун мос равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмаларига юборилади;

Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамкорлик шартномалари лойиҳаларини уч кун муддатда ҳуқуқий экспертизадан ўтказди ва ижобий ҳулосаси мавжуд бўлганда, шартнома лойиҳасини автоматик равишда имзолаш учун тарафларга юборади;

ҳамкорлик шартномалари томонларни келишувига кўра уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тузилади. Унда тадбиркор томонидан яратиладиган янги иш ўринлари муддати аниқ кўрсатилади.

7. Дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини 2023 йилда молиялаштириш учун:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тижорат банкларига **100 миллион АҚШ доллари** эквивалентида кредит линияси очилишини;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури координаторлари **2023 йил якунига қадар** оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан **1 триллион сўм** йўналтирилишини;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги халқаро молия ташкилотларидан **200 миллион АҚШ доллари** миқдорида кредитлар жалб қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига бир ой муддатда Дастур доирасида кредит ажратиш жараёнлари ва ажратилган кредитлар ҳисобини юритишнинг рақамлаштирилишини таъминлайдиган платформани ишга тушириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда:

тадбиркорлик субъектларига Дастурнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб борсин, шунингдек, уларга Дастурда иштирок этишда кўмаклашсин;

маҳаллаларда тадбиркорлик субъектларининг ишсиз фуқаролар билан учрашувларини ташкил этиб, тадбиркорлик субъектлари томонидан таклиф этилаётган иш ўринлари ҳақида маълумот бериб борсин;

ҳар ой якуни бўйича Дастур ижроси юзасидан таҳлилий маълумотларни Республика комиссиясига киритсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳар ой олдиндан эълон берган ҳолда, Дастурга киритилган ва кирмоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг буюртманомаларига асосан мазкур қарорга 4-иловага мувофиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этиладиган амалий мономарказни қуриш ва жиҳозлаш харажатларини қоплаб бериш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига қўшимча маблағ ажратсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестиция лойиҳалари ташқи инфратузилмасини яратиш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 7 июндаги 306-сон қарорига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **бир ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 7 ” июлдаги 279-сон қарорига
1-илова

**“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис”
дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси
ТАРКИБИ**

- Ж. Қўчқоров – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, *Комиссия раиси*
- Б. Мусаев – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, *комиссия раиси ўринбосари*
- Ш. Кудбиев – иқтисодиёт ва молия вазири
- Д. Касимов – Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (*келишув асосида*)
- Д. Ваҳобов – Савдо-саноат палатаси раиси
- Н. Сайдуллаев – Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари (*келишув асосида*)
- О. Рустамов – инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари
- А. Каримов – адлия вазири ўринбосари
- М. Мирзаев – Солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Н. Мусамухамедов – Божхона қўмитаси раиси ўринбосари
- Ф. Пулатов – Кадастр агентлиги директори
- А. Миралиев – Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг ўринбосари
- М. Убайдуллаев – Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг директори, *комиссия котиби*

Изоҳ. Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 7 ” июлдаги 279-сон қарорига
2-илова

**“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис”
дастурини амалга ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 12 июндаги ПФ–93-сон Фармонига мувофиқ “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) амалга оширишда “ҳамкорлик шартномаси”ни тузиш ва Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар (солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари бундан мустасно) бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

“ҳамкорлик шартномаси” – Дастурда иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари ва давлат ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттирувчи ҳужжат;

сертификат – “ҳамкорлик шартномалари”ни тузган тадбиркорлик субъектларига ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан бериладиган, Дастурда иштирок этаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

“Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими – Дастурни амалга ошириш жараёнларини рақамлаштириш, шу жумладан, “ҳамкорлик шартномалари”ни экспертизадан ўтказиш ва тузиш, шартнома мажбуриятлари бажарилишини масофавий назорат қилиш, имтиёз ва преференцияларни тақдим этадиган вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари билан интеграция қилиш имкониятларига эга ахборот тизими;

платформа – тижорат банкларининг дастур доирасида кредит ажратиш жараёнлари ва ажратилган кредитлар ҳисобини юритишнинг рақамлаштирилишини таъминлайдиган электрон платформаси.

**2-боб. Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектларини
саралаб олиш ва “ҳамкорлик шартномаси”ни тузиш тартиби**

3. Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектларини саралаб олиш ва “ҳамкорлик шартномаси”ни тузиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектларини саралаб олиш “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизимида қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

тадбиркорлик субъекти **икки йилдан ортиқ** фаолият юритаётганлиги;
давлат улуши мавжуд эмаслиги.

Тадбиркорлик субъектига мазкур мезонлар бўйича тегишли ахборот ёки маълумотларни тақдим этиш ёки жўнатиш мажбуриятини юклашга йўл қўйилмайди.

5. Тадбиркорлик субъекти Дастурда иштирок этиш учун “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими, “Онлайн маҳалла” электрон платформаси ёки солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинети орқали ариза билан мурожаат этиши мумкин.

6. Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектининг тегишли мезонларга мувофиқлигини ўрганиб, натижаси бўйича “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими орқали автоматик равишда хабарнома юборади.

Тадбиркорлик субъектининг аризаси қаноатлантирилган ҳолларда, яратиладиган иш ўринлари сонидан келиб чиқиб, тегишлилиги бўйича ҳоким ёрдамчиси ёки Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги беш кун муддатда тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳанинг дастлабки параметрларини жойига чиққан ҳолда ўрганиб, натижалари бўйича таклифини ва фотосуратларини “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизимига киритади.

7. Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектлари саралаш босқичидан ўтказилгандан сўнг икки кун муддатда қуйидагилар томонидан тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда шакллантирилган “ҳамкорлик шартномалари” лойиҳалари мос равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборилади:

51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари билан – туман (шаҳар) ҳокимлари ва уларнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари;

101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари билан – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари;

200 тадан ортиқ иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари билан – Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазири (кейинги ўринларда – ваколатли органлар).

8. “Ҳамкорлик шартномаси” лойиҳаси уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Ҳуқуқий хулосада “ҳамкорлик шартномаси” лойиҳаси юзасидан эътирозлар билдирилган тақдирда, шартнома лойиҳаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қайта ишлаш учун ваколатли органларга қайтарилади.

Ваколатли орган томонидан қайта ишланган “ҳамкорлик шартномаси” лойиҳаси бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун киритилади.

Ҳуқуқий экспертиза натижалари юзасидан ижобий хулоса берилган тақдирда, “ҳамкорлик шартномаси” лойиҳаси тарафларга имзолаш учун юборилади.

Ижобий хулосаси мавжуд бўлган “ҳамкорлик шартномаси” тарафлар томонидан беш кун муддатда имзоланади.

9. “Ҳамкорлик шартномаси”ни тузган тадбиркорлик субъектига “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими орқали Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан бир кун муддатда Дастурда иштирок этаётганлигини тасдиқловчи сертификат берилади.

10. Сертификат берилган тадбиркорлик субъекти Дастурда ҳамда “ҳамкорлик шартномаси”да белгиланган имтиёзлардан фойдаланади.

3-боб. Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар бериш

1-§. Дастур доирасида тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тартиби

11. Кредит олиш учун ариза “ҳамкорлик шартномаси” тузилгандан сўнг Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъекти томонидан мустақил равишда ёки ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан платформа орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Мазкур Низом талаблари уй-жой қурилиши билан боғлиқ лойиҳалар учун кредит олишга татбиқ этилмайди.

12. Кредит олиш тўғрисидаги ариза барча босқичларда платформада онлайн кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида платформа (телеграм бот, СМС-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) орқали маълумот бериб борилади.

13. Ариза белгиланган тартибда банклар томонидан бир кун муддатда автоматлаштирилган ҳолда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Тадбиркорлик субъектининг аризаси платформа томонидан унинг амалдаги банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлганда, автоматик равишда рад этилади.

14. Кредитлар 14 фоиз ставкада 7 йилгача, айланма маблағларни тўлдириш учун 18 ойгача муддатга ажратилади.

Бунда кредитлар:

5 млрд сўмгача – 51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектига;

10 млрд сўмгача – 101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектига;

15 млрд сўмгача – 200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектига ажратилади.

15. Молиялаштириладиган лойиҳаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъекти томонидан ҳужжатлар банкнинг ички кредит сиёсатиға мувофиқ электрон кўринишда тақдим этилади.

Кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар банкларнинг ички кредит сиёсати ва кредитлаш билан боғлиқ амалдаги тартибларға мувофиқ андеррайтинг тизими томонидан кўриб чиқилади.

16. Банкка тақдим этилган ҳужжатларда номутаносиблик, хато ва камчилик аниқланганда, лойиҳанинг техник-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари кредитни белгиланган муддатда қайтариш учун етарли бўлмаганда ҳамда зарур гаров таъминотлари тақдим этилмаганда, кредит ажратилиши рад этилади ва бу ҳақда тадбиркорлик субъекти платформа орқали хабардор қилинади.

17. Тадбиркорлик субъекти ҳужжатлардаги номутаносиблик, хато ва камчиликларни бартараф этиб, уларни банкка қайтадан тақдим этиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг рад этилиши учун асос бўлган камчиликлар тадбиркорлик субъекти томонидан бартараф этилиб, банкка тақдим қилинганда, ҳужжатларни кўриб чиқиш тадбиркорлик субъектининг дастлаб тақдим этган аризаси асосида давом эттирилади.

18. Тадбиркорлик субъекти томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг банк ички кредит сиёсатиға мувофиқ кредит ажратиш ёки кредит ажратишни рад этиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади.

Кредит ҳужжатлари электрон кўринишда шакллантирилади ва имзоланади. Шартнома ва тегишли ҳужжатлар тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон рақамли имзо орқали тасдиқланади.

Банк томонидан кредит ажратиш рад этилганда, бу ҳақдаги қарор платформаға жойлаштирилади.

19. Тадбиркорлик субъекти томонидан сўралаётган кредит мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган миқдордан кўп бўлган тақдирда, кредитнинг максимал чегаралардан юқори қисми банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан тижорат фоиз ставкаларида ажратилиши мумкин.

20. Тадбиркорлик субъекти томонидан ҳамкорлик шартномасида белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганда, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва ҳоким ёрдамчиларининг бу ҳақида тузган далолатномалари асосида ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкалари молиялаштирувчи банкнинг тижорат кредитлари учун белгиланган фоизига ўзгартирилади. Ушбу қоида кредит шартномасида акс эттирилади.

21. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Дастур доирасида барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар учун қуйидаги миқдорларда кафиллик тақдим этади:

3 млрд сўмгача – 51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектига;

4 млрд сўмгача – 101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектига;

5 млрд сўмгача – 200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектига.

22. Бунда тадбиркорлик субъекти томонидан Жамғарма кафиллигидан фойдаланиб, белгиланган муддатларда “ҳамкорлик шартномаси”да назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, тақдим этилган кафилликнинг дастлабки миқдори сақланган ҳолда унинг бир фоиз миқдорида қўшимча воситачилик ҳақи тўланади.

2-§. Дастурга киритиладиган тадбиркорлик субъектлари ва бюджет буюртмачилари билан тузиладиган шартномаларда имтиёз қўллаш тартиби

23. Дастурга киритилган 200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари ва бюджет буюртмачилари билан тузиладиган шартномаларда олдиндан тўлов миқдори бир миллиард сўмгача бўлган харидлар бўйича 50 фоиз, бир миллиард сўмдан юқори бўлган харидлар бўйича 30 фоиз этиб белгиланади.

24. Ҳазначилик хизмати қўмитаси бюджет буюртмачилари ва Дастурга киритиладиган тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузиладиган шартномаларда белгиланган олдиндан тўлов миқдорларини назорат қилиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказди.

25. Дастурга киритиладиган тадбиркорлик субъектлари бюджет буюртмачилари билан тузилган шартномалар доирасида ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, ушбу Низомнинг 23-бандида белгиланган имтиёзлар қўлланилмайди.

26. Бюджет буюртмачилари мазкур параграфда белгиланган талаблар доирасида шартномаларни тузилганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3-§. Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектларини уларнинг фаолияти учун зарур маблағлар ва инфратузилма билан таъминлаш тартиби

27. Худудларда бўш турган ва бир йилдан буён аукцион савдоларида сотилмасдан турган давлат мулки бўлган бино-иншоотлар, шунингдек, касб-хунар коллежларининг фойдаланилмасдан бўш турган бинолари Дастур иштирокчиларига ишсиз, иш қидираётган фуқароларни ва ўз ходимларини хорижий тиллар ва касб-хунарларга ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда «амалий мономарказ» ташкил қилиш учун фойдаланишга танлов (талабгор ягона бўлганда – тўғридан-тўғри шартнома) асосида ижара ставкасининг минимал миқдори бўйича ижарага берилади.

Бунда объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан:

худудларда бўш турган ва бир йилдан буён аукцион савдоларида сотилмасдан турган давлат мулки бўлган бино-иншоотлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказидан олинган маълумотлар;

касб-хунар коллежларининг бўш турган бинолари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигидан олинган маълумотлар асосида шакллантирилади.

28. Рўйхатга киритилган объектларни Дастур иштирокчиларига ижарага бериш бўйича танлов Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори асосида ўтказилади.

Бунда:

Дастурда иштирок этадиган ишсиз, иш қидираётган фуқароларни ва ўз ходимларини хорижий тиллар ва касб-хунарларга ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда амалий мономарказ ташкил қилиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари танлов иштирокчиси бўлиши мумкин;

ишсиз ва иш қидираётган фуқароларни ўқитиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

29. “Ҳамкорлик шартномаси”га асосан яратилиши режалаштирилган янги иш ўринлари сони танлов шартининг асосий мезони ҳисобланади.

Бунда яратилиши режалаштирилган янги иш ўринлари сони тенг бўлган тақдирда, бошқалардан олдин ариза берган талабгорга устунлик берилади.

30. Танловда иштирок этиш бўйича ягона талабгордан ариза келиб тушган тақдирда, объектни талабгорга тўғридан-тўғри ижарага бериш ҳақида қарор қабул қилинади.

31. Танлов натижаси бўйича расмийлаштирилган баённомага асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг тегишли ҳудудий бошқармаси ва танлов ғолиби ёки ягона талабгор ўртасида объектни ижара ставкасининг минимал миқдорида ижарга бериш бўйича ижара шартномаси тузилади.

Бунда ижара шартномаси уч йил муддатга тузилади ва “ҳамкорлик шартномаси”да назарда тутилган мажбуриятлар бажарилган тақдирда, ижарага бериш муддати қўшимча уч йил муддатга узайтириб борилади.

32. Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар бекор қилинган тақдирда, ижара шартномаси муддати қўшимча уч йил муддатга узайтирилмайди ва тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган объектларнинг ажралмас қисми бўлган ўзгартиришлар қиймати қайтарилмайди.

4-§. Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектлари томонидан аукционда давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари ва ерга бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш учун тўловларни фоизсиз бўлиб тўлаш тартиби

33. Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъекти давлат кўчмас мулки объектлари ёки ерга бўлган ҳуқуқларни аукцион савдоларида қўлга киритган тақдирда, сотиб олиш билан боғлиқ тўловларни фоизсиз бўлиб тўлаш учун “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими орқали ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармасига ариза тақдим этади.

34. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаси Дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларига табақалашган миқдорлардан келиб чиққан ҳолда, давлат кўчмас мулки объектлари ёки ерга бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш билан боғлиқ тўловлар қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – уч йилдан кўп бўлмаган муддатда;

101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – тўрт йилдан кўп бўлмаган муддатда;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – беш йилдан кўп бўлмаган муддатда.

35. Имтиёзлари бекор қилинган тадбиркорлик субъектлари билан тузилган олди-сотди шартномаси доирасида сотиб олиш тўловларга берилган имтиёз бекор қилиниб, сотиб олиш билан боғлиқ бошқа тўловлар амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда амалга оширилади ҳамда ушбу тўловлар учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси миқдорида йиллик фоизлар ҳисобланади.

Бунда сотиб олиш билан боғлиқ тўловларнинг қонунчиликда белгиланган муддатлари ўтган тақдирда, сотиб олиш билан боғлиқ бошқа тўловлар бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим.

4-боб. Якунловчи қоидалар

36. “Ҳамкорлик шартномаси”нинг бажарилиши бўйича келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

37. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

38. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси “ҳамкорлик шартномалари”ни тузган тадбиркорлик субъектларига “ҳамкорлик шартномалари” тўлиқ бажарилиши юзасидан ҳар томонлама кўмаклашади.

39. “Ҳамкорлик шартномалари”даги томонлар мажбуриятларининг бажарилиши Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан назорат қилинади.

Бунда “ҳамкорлик шартномаси”да назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаганда, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизимида бу ҳақда маълумот жойлаштирилади.

40. Ушбу низомда назарда тутилган имтиёзлар Дастурга киритилган Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилмайди.

41. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурини амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова



**“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурида иштирок
этаётганлигини тасдиқловчи
СЕРТИФИКАТ**

№ _____
сана: _____

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 12 июндаги ПФ–93-сон Фармонига мувофиқ:

_____ ҳамда
(вазирлик ёки ҳокимлик номи)

_____ ўртасида
(тадбиркорлик субъектининг номи)

_____ йил “___” _____ да имзоланган _____-сон “ҳамкорлик шартномаси”га асосан берилди.

(тадбиркорлик субъектининг номи)

(СТИР рақами)

Амал қилиш муддати: _____

(“Ҳамкорлик шартномаси” муддати тугаганда ёки тўхтатилганда, сертификат ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади).

Савдо-саноат палатаси раиси

(электрон имзо)

“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурида иштирок этадиган тадбиркорлик субъектларини саралаб олиш ва “ҳамкорлик шартномаси”ни тузиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Тадбиркорлик субъекти	Дастурда иштирок этиш учун “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими, “Онлайн маҳалла” электрон платформаси ёки солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинети орқали ариза юборади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Савдо-саноат палатаси	Тадбиркорлик субъектининг тегишли мезонларга мувофиқлигини ўрганиб, натижаси бўйича “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими орқали автоматик равишда хабарнома юборади.	Автоматик равишда
3-босқич	Тегислилиги бўйича ҳоким ёрдамчиси ёки маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	Тадбиркорлик субъектининг аризаси қаноатлантирилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳанинг дастлабки параметрларини жойига чиққан ҳолда ўрганиб, натижалари бўйича таклифи ва фотосуратларини “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизимига киритади.	Беш кун муддатда
4-босқич	Ваколатли органлар	“Ҳамкорлик шартномалари” лойиҳаларини шакллантиради ва мос равишда Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмаларига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборади.	Саралаш босқичидан ўтказилгандан сўнг икки кун муддатда
5-босқич	Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари	“Ҳамкорлик шартномаси” лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди: - ижобий хулоса берилганда, “ҳамкорлик шартномаси” лойиҳасини тарафларга имзолаш учун юборади; - эътирозлар билдирилган тақдирда, шартнома лойиҳаси қайта ишлаш учун ваколатли органларга қайтаради.	Уч кун муддатда

6-босқич	Ваколатли органлар	Қайта ишланган “ҳамкорлик шартномаси” лойиҳасини Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун киритади.	Бир кун муддатда
7-босқич	Ваклотали органлар ва тадбиркорлик субъектлари	“Ҳамкорлик шартномаси”ни имзолайди.	Беш кун муддатда
8-босқич	Савдо-саноат палатаси	“Ҳамкорлик шартномаси” тузган тадбиркорлик субъектига “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими орқали дастурда иштирок этаётганлигини тасдиқловчи сертификат беради.	“Ҳамкорлик шартномаси” тузилгандан сўнг бир кун муддатда

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 7 ” июлдаги 279-сон қарорига
3-илова

**“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури
доирасида тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона имтиёзлари
ҳамда преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 12 июндаги ПФ–93-сон Фармонида мувофиқ **“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) доирасида тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларни қўллаш тартибини белгилайди.

Дастурда камида икки йил фаолият кўрсатаётган ва устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлмаган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

янги иш ўринлари – тадбиркорлик субъектларида яратилган янги иш ўринларига ишга қабул қилинган, қонунчилик ҳужжатлари асосида меҳнат шартномаси тузилган ходимга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи ҳисобланган, солиқ ҳисоботида яратилган янги иш ўринлари сифатида кўрсатилган ва 2023 йил 1 июнь ҳолатига нисбатан кўпайган ходимларнинг иш ўринлари;

автоматлаштирилган дастур – иш берувчиларга улар томонидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларга тўлаб бериладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайтариб бериш ёки қайтариб беришни рад этиш асосларини текширадиган, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимига (кейинги ўринларда – ДМБАТ) интеграция қилинган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган дастури;

иш берувчининг аризаси – иш берувчиларга улар томонидан ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга тўлаб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини Давлат бюджетидан қайтариб бериш тўғрисидаги ушбу Низомга 1-иловада келтирилган намунага мувофиқ аризаси.

**2-боб. Мол-мулк ва ер солиғи бўйича солиқ
имтиёзларидан фойдаланиш**

3. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га (кейинги ўринларда – Ижтимоий реестр) киритилган фуқаролар камида бир йил давомида иш билан таъминланган ва улар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари мол-мулк ва ер солиғи бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бунда 51 тадан 100 тагача янги иш ўринлари яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк ва ер солиғининг амалдаги солиқ ставкаси 50 фоизга, 101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиганлар учун 75 фоизга камайтирилади, 200 тадан ортиқ иш ўринлари яратадиганлар мазкур солиқларни тўлашдан озод этилади.

4. Мол-мулк ва ер солиғи бўйича солиқ имтиёзлари бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берганда тадбиркорлик субъектларига қўлланилади:

Ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга бир йил давомида узлуксиз меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаб, бандликни таъминлаганда;

Ижтимоий реестрга киритилган фуқаролар жами ходимлар сонининг камида 20 фоизини ташкил қилганда;

тадбиркорлик субъектлари камида икки йил фаолият кўрсатаётган ва устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлмаганда.

Мазкур имтиёзлар Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган ҳамда ушбу ҳудудда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди.

5. Солиқ органларига тақдим этилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоботи орқали ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасида янги иш ўринларига қабул қилинган ходимлар сони, шунингдек, уларнинг камида 20 фоизи Ижтимоий реестрга киритилганлиги ва ҳисобланган иш ҳақи миқдори аниқланади.

6. Ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган шартларни тўлиқ бажарган тадбиркорлик субъекти ўзининг шахсий кабинети орқали “Юридик шахсларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат интерактив хизмати” орқали мурожаат қилиш йўли билан солиқ имтиёзидан фойдаланади.

Бунда янги иш ўринлари яратилган ойдан бошлаб тегишли давр учун мол-мулк ва ер солиғи ҳисоботини қайта тақдим этиш орқали солиқ имтиёзидан фойдаланилади.

7. Агар мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган шартлар кетма-кет 12 ой давомида бажарилмаса, қўлланилган имтиёз жорий этилган даврдан бошлаб бекор қилинади ва солиқ суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда ундирилади.

3-боб. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини қайтариб бериш ва ижтимоий солиқ имтиёзидан фойдаланиш

8. Ижтимоий реестрга киритилган фуқаролар ишга қабул қилиниб, уларга ҳар бир ой учун иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда, ойлик иш ҳақи бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси республика бюджетидан иш берувчига (ҳар бир ишчи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан ошмаган миқдорда) автоматлаштирилган дастур орқали қайтариб берилади.

9. Янги иш ўрни яратилган ойдан бошлаб ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси қайтарилади.

10. Иш берувчиларга улар томонидан Ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга тўлаб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси Давлат бюджетидан ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ тўлиқ қайтариб берилади.

Бунда иш берувчи томонидан ариза у солиқ тўловчи сифатида рўйхатда турган солиқ органига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоботи тақдим этилганидан сўнг солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

Иш берувчининг аризаси келиб тушган санадан бошлаб уч кун муддатда солиқ органи томонидан автоматлаштирилган дастур орқали ушбу Низом талабларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ўрганилади. Бунда иш берувчининг аризасидаги маълумотлар ва тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси қайтариб берилиши сўралаётган ҳисобот ойдаги маълумотлари ўртасида фарқ аниқланса, солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига иш берувчининг аризаси кўрилмасдан қолдирилганлиги ҳақида хабарнома юборади.

Ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга тўлаб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайтариб бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, автоматлаштирилган дастурда бир кун муддатда солиқ органининг хулосаси шакллантирилади, шаклланган хулоса билан иш берувчининг аризаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасига (кейинги ўринларда – Ғазначилик хизмати кўмитаси) юборилади ҳамда бу ҳақда иш берувчи солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилинади.

Солиқ органи тўлаб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайтариб беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилганда, ушбу қарор автоматлаштирилган дастур орқали солиқ тўловчининг шахсий кабинетига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайтариб беришни рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилган ҳолда юборилади.

Солиқ органи тўлаб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайтариб беришни қуйидаги ҳолларда рад қилади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан қарздорлиги мавжуд бўлса;

ҳар бир ой учун иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлган миқдорда ҳисобланганда;

Ижтимоий реестрга киритилмаган фуқаролар аризада кўрсатилганда.

Иш берувчи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайтариб беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

Иш берувчининг аризаси келиб тушганда, аризани рад этиш асослари бартараф этилгандан сўнг жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушбу Низом талаблари доирасида иш берувчига қайтариб берилади.

Ғазначилик хизмати қўмитаси автоматлаштирилган дастур орқали ДМБАТга келиб тушган ҳужжатларга асосан уч кун муддатда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини иш берувчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.

Ғазначилик хизмати қўмитаси иш берувчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси тўғрисидаги маълумотларни бир кун муддатда ДМБАТ орқали автоматлаштирилган дастурга юборади.

11. Солиқ органи иш берувчиларга Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасининг ҳисоби ва ҳисоботини юритади.

12. Белгилаб қуйилсинки:

а) иш берувчи томонидан қайта ҳисобот бериш орқали умумий иш ҳақи фонди доирасида ходимларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар қайта тақсимланган тақдирда, қайтариб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси иш берувчи ёки солиқ органининг ташаббусига кўра белгиланган тартибда ўзаро қайта ҳисоб-китоб қилинади;

б) “ҳамкорлик шартномаси” бўйича белгиланган янги иш ўринларини яратмаган, иш ҳақи тўлаб бермаган ва бандликни таъминламаган иш берувчига қайтарилган даромад солиғи суммаси Давлат бюджетига қайтариб ундириб олинади.

13. Иш берувчи томонидан қайта ҳисобот бериш орқали умумий иш ҳақи фонди доирасида ходимларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар қайта тақсимланган тақдирда, қайтариб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси иш берувчи ёки солиқ органининг ташаббусига кўра белгиланган тартибда ўзаро қайта ҳисоб-китоб қилинади.

14. Ижтимоий реестрга киритилган фуқаролар ишга қабул қилиниб, уларга ҳар бир ой учун иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда, ижтимоий солиқни амалдаги солиқ ставкасининг 50 фоизи миқдорида тўлайди.

4-боб. Солиқлар бўйича ортиқча тўловларни қайтариб бериш

15. Солиқ кодексининг 104-моддасига мувофиқ ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг тегишли аризаси олинган кундан эътиборан қуйидаги муддатларда қайтарилади:

51 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлар учун – беш кунда;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлар учун – бир кунда.

Бунда солиқ органи томонидан ортиқча тўловни қайтариш тўғрисида қарор чиқарилади ва тегишли хулоса Ғазначилик хизмати бўлимига юборилади.

16. Қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммаси қуйидаги муддатларда қайтарилади:

51 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлар учун тезлаштирилган тартибда – уч кун муддатда ва умумий тартибда – ўн беш кун муддатда;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлар учун - бир кун муддатда.

5-боб. Қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш

17. Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектларига товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш имконияти яратилади.

Бунда товарларни импорт қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғига ўтказиб берилиши учун тасдиқланган солиқ суммасини божхона органлари ғазначилик ҳисобварағига ўтказишда, солиқ органларининг электрон ахборот тизими орқали шакллантириладиган хулоса реал вақт режимида расмийлаштирилади ва электрон шаклда Ғазначилик хизмати қўмитасига юборилади.

Ғазначилик хизмати қўмитаси солиқ органларининг электрон ахборот тизими орқали солиқ органининг хулосасини олгандан сўнг Давлат бюджети маблағлари доирасида автоматик равишда солиқ суммасини божхона органларининг ғазначилик ҳисобварағига ўтказди.

6-боб. Ҳисобланган солиқларни бўлиб тўлаш ҳамда солиқ текшируви ўтказилмайдиган ҳолатлар

18. Солиқ кодексининг 97-102-моддаларида белгиланган тартибда Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектларига барча солиқларни (қўшилган қиймат солиғи ва солиқ агентлари сифатида тўланадиган солиқлар бундан мустасно) таъминотсиз ва фоизсиз қуйидаги муддатларга бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади:

51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – уч ой муддатда;

101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – олти ой муддатда;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – ўн икки ой муддатда.

Бунда тадбиркорлик субъекти томонидан шахсий кабинет орқали солиқ органига ёзма ёки электрон шаклда солиқларни таъминотсиз ва фоизсиз бўлиб тўлаш юзасидан ариза юборади.

Солиқ органлари ахборот тизимлари орқали солиқларнинг белгиланган муддатларда бўлиб тўланаётганлигини мониторинг қилиб боради.

Агар солиқларни бўлиб тўлаш жадвалининг кейинги белгиланган муддатлари бузилса, барча тўлаш муддатининг узайтирилган солиқ суммалари тикланиб, уларни ундириш чоралари кўрилади.

Мазкур имтиёзлар Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган ҳамда ушбу ҳудудда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди.

19. Агар тадбиркорлик субъекти томонидан мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган янги иш ўринлари яратилган тақдирда уларга нисбатан қуйидаги тартибда солиқ текширувлари ўтказилмайди (жиноий ишлар доирасидаги текширувлар бундан мустасно):

51 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектларида солиқ аудити ўтказилмайди;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектларида барча турдаги солиқ текширувлари ўтказилмайди.

7-боб. Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлик субъектларига “яшил йўлак”ни қўллаш

20. Дастурга киритилган тадбиркорлик субъектлари томонидан божхона тартиб-таомилларига риоя этилган ҳолатларда уларга нисбатан “яшил йўлак” тартиби қўлланилади (“Хавфни бошқариш тизими” томонидан топшириқ берилган ҳолатлар бундан мустасно).

21. Дастурда иштирок этиши давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан божхона қонунчилиги бузилиши ёки улар тақдим этган маълумотларда тафовутли ҳолатларнинг аниқланиши мазкур ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига нисбатан божхона назоратининг барча шакллари ва умумий қоидалари қўлланилишига сабаб бўлади.

22. Божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатлари билан боғлиқ асосли шубҳалар пайдо бўлганда, божхона ходимлари томонидан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига тақдим этилган “яшил йўлак” божхона органлари фаолиятида мавжуд бошқа йўлакларга ўзгартирилиши мумкин.

8-боб. Божхона тўловларини бўлиб тўлаш имкониятидан фойдаланиш

23. Божхона кодексининг 329-333-моддаларида белгиланган тартибда божхона тўловларини таъминотсиз ва фоизсиз қуйидаги муддатларга бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади:

51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – уч ой муддатда;

101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – олти ой;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун – ўн икки ой.

24. Божхона тўловларини бўлиб тўлаш имкониятига эга бўлиш учун тўловчи божхона органига “Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими ёки Божхона қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилган “Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб тўлашга рухсат бериш” интерактив хизмати орқали божхона тўловлари суммаларини тўлаш бўйича ёзма мажбуриятни ўз ичига олган электрон аризани тақдим этади.

25. Божхона тўловларини бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги қарор электрон ариза тақдим этилган кундан эътиборан уч иш куни ичида божхона органи томонидан қабул қилинади.

Божхона органининг қарорида божхона тўловларини бўлиб тўлаш имконияти берилаётган муддат, бундай имконият бериш рад этилган тақдирда эса рад этиш сабаблари кўрсатилади.

Божхона тўловларини бўлиб тўлаш имкониятини беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ушбу Низомга асосан сертификат тақдим этмаслик;

муқаддам божхона тўловларини бўлиб тўлашда белгиланган муддатни бузиш ҳолатларининг мавжудлиги.

Божхона тўловларини бўлиб тўлаш даврида мажбурият бажарилмаган тақдирда, қолган давр учун ҳисобланган барча тўловлар мажбурий тарзда ундириб олинади.

26. Божхона тўловларини бўлиб тўлаш божхона органи ва тўловчи томонидан тасдиқланган жадвалда белгиланган муддатларда амалга оширилади.

9-боб. Якунловчи қоидалар

27. Мазкур Низомнинг 2, 4, 5, 6, 7, 8-бобларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган ҳамда ушбу ҳудудда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди.

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис”
дастури доирасида тадбиркорлик субъектларига солиқ
ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларини
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Иш берувчиларга улар томонидан ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга
тўлаб берилган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасини
Давлат бюджетидан қайтариб бериш тўғрисида
АРИЗА**

Иш берувчининг СТИР рақами _____

(иш берувчининг тўлиқ манзили)

манзилда жойлашган,

_____ фаолиятини амалга оширадиган

(асосий фаолият (ихтисослиги) тури)

(иш берувчининг тўлиқ номи)

Сиздан ташкилотда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ва Ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга тўлаб берилган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасини Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб беришингизни сўрайман.

Ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга тўлаб берилган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси тўғрисидаги маълумотлар

Ўн икки ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ва Ижтимоий реестрга киритилган фуқаролар сони _____ нафар;

Ўн икки ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ва Ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга 20 ____ йил ____ оyi учун тўланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиқ суммаси _____ сўм.

Иш берувчининг банк реквизитлари:

Банк номи: _____

Банк МФО: _____

Банкдаги ҳисобварағи: _____

Ушбу ариза ва илова қилинган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар тўлиқ ва ишончли эканлигини тасдиқлайман.

Илова. Ижтимоий реестрга киритилган ва ўн икки ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ёш ходимлар рўйхати.

Ташкилот
раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бош бухгалтер

(имзо)

(Ф.И.О.)

Сана

“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис”
дастури доирасида тадбиркорлик субъектларига солиқ
ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларини
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Иш берувчиларга улар томонидан Ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга
тўлаб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини
Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Иш берувчи	Солиқ тўловчи сифатида рўйхатда турган солиқ органига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ариза юборади.	Ҳисобот тақдим этилгандан сўнг
2-босқич	Солиқ органи	Иш берувчининг аризаси автоматлаштирилган дастур орқали ушбу Низом талабларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ўрганади.	Уч кун муддатда
3-босқич	Автоматлаштирилган дастур	Ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга тўлаб берилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайтариб бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, солиқ органининг хулосасини шакллантиради, шаклланган хулоса билан иш берувчининг аризасини Ғазначилик хизмати қўмитасига юборади ҳамда бу ҳақда иш берувчини солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилади.	Бир кун муддатда
4-босқич	Ғазначилик хизмати қўмитаси	Автоматлаштирилган дастур орқали ДМБАТга келиб тушган ҳужжатларга асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини иш берувчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.	Уч кун муддатда

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 7 ” июлдаги 279-сон қарорига
4-илова

Амалий мономарказлар фаолиятини ташкил этиш, уларни қуриш ва жиҳозлаш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 12 июндаги ПФ–93-сон Фармонида мувофиқ “**20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис**” дастурида (кейинги ўринларда – Дастур) иштирок этадиган тадбиркорлик субъекти томонидан ишсиз, иш қидираётган шахсларни ва ўз ходимларини хорижий тиллар ва касб-хунарга ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда амалий мономарказ фаолиятини ташкил этиш, уларни қуриш ва жиҳозлаш харажатларини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Амалий мономарказ – ишсиз фуқароларни касбга ўргатиш ва тадбиркорлик субъектлари ишчиларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи ўқув маркази ҳисобланади.

3. Амалий мономарказ тадбиркорлик субъектининг ишлаб чиқариш майдонлари ёки бўш турган биноларида, шунингдек, бўш турган ва бир йилдан буён аукцион савдоларида сотилмасдан турган давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар ҳамда касб-хунар коллежларининг бўш турган бинолари танлов (талабгор ягона бўлганда тўғридан-тўғри шартнома) асосида ижара ставкасининг минимал миқдори бўйича ижарага бериш йўли билан ташкил этилади.

2-боб. Амалий мономарказ фаолиятини ташкил этиш

4. Амалий мономарказ тадбиркорлик субъектининг қарори асосида ташкил этилади ва ушбу қарор билан амалий мономарказнинг раҳбари, тренер (ўқитувчи) ва уста-мураббийлари тайинланади.

5. Тадбиркорлик субъектининг иш ўрнида бажариладиган меҳнат функциясининг мураккаблигидан келиб чиқиб, кўпи билан ҳар йигирма нафар ўқувчига камида бир нафар тренер (ўқитувчи) ёки уста-мураббийлар бириктирилади.

6. Амалий мономарказда ўқув жараёнлари ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ тадбиркорлик субъекти томонидан тасдиқланадиган намунавий ўқув дастури асосида ташкил этилади.

7. Амалий мономарказда ўқув жараёнлари қуйидаги 2 та босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда ўқувчиларга назарий билимлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги қоидалари ўргатилади;

иккинчи босқичда ўқувчиларга бевосита иш ўринларида амалий билим ва кўникмалар берилади.

8. Ўқув дастури якуни билан ўқувчиларнинг амалий билимлари якуний малака имтиҳони орқали баҳоланиб, уларга ўқишни тамомлаганлик тўғрисида сертификат берилади.

9. Тренер (ўқитувчи) ва уста-мураббийларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

3-боб. Амалий мономарказни қуриш ва жиҳозлаш харажатларини молиялаштириш

10. Амалий мономарказни қуриш ва жиҳозлаш харажатлари Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

11. Янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун – ҳар бир ўқувчи ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача қоплаб берилади, бироқ жами ўқувчи ўрнини ҳисоблаганда – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 500 минг бараваридан ошиб кетмаслиги шарт.

Бунда ҳар бир ўқувчи ўрни учун тўғри келадиган ўқув майдони камида 3,5 м кв.ни ташкил қилиш керак;

12. Жиҳозлаш ишлари учун – ҳар бир ўқувчи ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача қоплаб берилади, бироқ жами ўқувчи ўрнини ҳисоблаганда – базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан ошиб кетмаслиги керак.

Бунда амалий мономарказнинг бино ва ўқув майдонлари ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ минимал талаблар асосида моддий-техника жиҳатдан жиҳозланади.

13. Амалий мономарказни қуриш ва жиҳозлаш харажатларини қоплаш учун тадбиркорлик субъекти “Ҳамкор тадбиркор” платформаси орқали рўйхатдан ўтган ҳудуди бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаларига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма равишда мурожаат қилади:

объектни фойдаланишга топшириш ва қабул бўйича далолатнома;

объектни қуриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш учун маблағларнинг мақсадли сарфланишини тасдиқловчи ҳужжатлар.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари мурожаатни 10 иш кунида кўриб чиқади.

Бунда ташкил этилган амалий мономарказ жойига чиқиб кўрилиши, тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган хужжатларнинг асослигини ўрганиш юзасидан тегишли ташкилотлар (тижорат банклари)дан амалий мономарказни ташкил этиш, шунингдек, уни қуриш ва жиҳозлашга оид маълумотлар сўраб олиниши мумкин.

15. Мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри деб топилган тақдирда, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан тадбиркорлик субъекти ҳисоб рақамига мурожаатда кўрсатилган, бироқ ушбу Низомнинг 12-бандида белгиланган миқдордан ортиқ бўлмаган маблағ ўтказиб берилади.

16. Мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри деб топилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ушбу Низомнинг 14-бандида белгиланган муддатда маблағ ажратишни рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда мурожаат муаллифи ёзма равишда хабардор қилинади.

Тадбиркорлик субъекти маблағ ажратишни рад этиш асосларидан норози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

17. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилган амалий мономарказлар, уларни фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар ҳамда касбга ўргатилган ва малакаси оширилган ўқувчилар ҳисобини юритади.

18. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Амалий мономарказлар фаолиятини ташкил
этиш, уларни қуриш ва жиҳозлаш харажатларини
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Амалий мономарказда ўқув жараёнлари ташкил этиш бўйича
НАМУНАВИЙ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Т/р	Модулларнинг номлари	Умумий ажратилган соат	Шу жумладан:		Назорат шакли
			Назарий	Амалий	
Жами					
I. Биринчи босқич					
1.					
2.					
...					
II. Иккинчи босқич					
1.					
2.					
...					

(Тадбиркорлик субъектининг номи)

(имзо)

(Раҳбарнинг Ф.И.О.)

Амалий мономарказлар фаолиятини ташкил
этиш, уларни қуриш ва жиҳозлаш харажатларини
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Амалий мономарказнинг бино ва ўқув майдонларини
моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир
МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**

1. Ўқувчилар партаси
2. Ўқувчилар стули
3. Ўқитувчи столи
4. Ўқитувчи креслоси
5. Компьютер
6. Маркерли доска
7. Проектор
8. Кийим шкафи
9. Офис шкафи
10. Кондиционер
11. Ёнғин хавфсизлиги учун ўт ўчиргич
12. Дорилар қутичаси
13. Интерактив LED доска
14. Урна

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 7 ” июлдаги 279-сон қарорига
5-илова

**“Ҳамкор тадбиркор” ахборот тизими билан маълумотлар базалари
интергация қилинадиган вазирлик ва идоралар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
3. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
ҳузуридаги Солиқ қўмитаси
7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
ҳузуридаги Божхона қўмитаси
8. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни
ривожлантириш агентлиги
9. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 7 ” июлдаги 279-сон қарорига
6-илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестиция лойиҳалари ташқи инфратузилмасини яратиш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 7 июндаги 306-сон қарорига киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартириш

1. 1-бандда:

а) “г” кичик банднинг учинчи хатбошисидаги “маълумот учун қабул қилинсин” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги таҳрирдаги “д” кичик банд билан тўлдирилсин:

“д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 12 июндаги ПФ-93-сон Фармонида мувофиқ 51 та ва ундан кўп янги иш ўринлари яратадиган тадбиркорлик субъектлари 50 миллиард сўм ва ундан юқори қийматдаги лойиҳаларни амалга оширганда, уларни зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин”.

2. Хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳаларини зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“инвестиция лойиҳаси – инвесторнинг қиймати 200 миллиард сўмдан бунда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун камида 50 миллиард сўмдан ошадиган унинг ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳалар, “шунингдек, “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларининг 50 миллиард сўм ва ундан юқори қийматдаги лойиҳалари”;

б) 8-банд еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурига киритилган тадбиркорлик субъектлари томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида 51 та ва ундан кўп янги иш ўринлари яратилганлиги”.

